

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	Млрд. сўм	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	7 524,7	106,5
Саноат маҳсулоти	4 633,8	107,0
Истеъмол товарлари	1 672,7	108,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 897,6	106,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1 344,4	100,2
Қурилиш ишлари	1 117,7	111,4
Юк айланмаси млн. тн-км	1 751,9	117,0
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	4 815,9	105,7
Чакана товар айланмаси	4 408,8	112,6
Хизматлар, жами	3 006,5	111,2
Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	568,7	101,5
Экспорт	258,3	145,3
Импорт	310,4	81,2
Сальдо (+;-)	-52,1	x

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 7 524,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш суръати 6,5 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-июнь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 109,7 фоизни ташкил қилди.

Январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	6 443,6	7 524,7	106,5
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5 943,1	6 953,9	106,5
Маҳсулотларга соф солиқлар	500,5	570,8	106,0
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5 943,1	6 953,9	106,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	844,1	972,8	106,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 938,6	2 290,6	106,3
саноат	1 534,9	1 790,1	105,0
қурилиш	403,6	500,4	111,4
Хизматлар	3 160,5	3 690,5	106,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	626,2	772,6	112,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	840,4	899,5	103,6
бошқа хизматлари	1 693,9	2 018,4	106,3

Январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (111,4 %), хизматлар (106,7 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (106,3 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 53,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан 1,3 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 53,1 фоиз (2016 йил январь-июнь ойларида 53,2 фоиз)ни ташкил қилди.

**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий
таърифи**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 25 465 тани ташкил қилиб, шундан 25 041 таси ёки 98,3 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5 535 та (21,7 фоизи), саноат 5 143 (20,2 фоизи), қурилиш 2 058 та (8,1 фоизи), ахборот ва алоқа 1 041 та (4,1 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1 379 та (5,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	25 465	100,0	25 041	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 379	5,4	1 354	5,4
саноат	5 143	20,2	5 084	20,3
қурилиш	2 058	8,1	2 030	8,1
савдо	5 535	21,7	5 427	21,7
ташиш ва сақлаш	1 007	4,0	991	4,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 101	4,3	1 085	4,3
ахборот ва алоқа	1 041	4,1	1 023	4,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	628	2,5	624	2,5
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7 573	29,7	7 423	29,6

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 79,2 фоизи тижорат ташкилий ҳукукий шаклидаги корхоналар, шундан 40,6 фоизи хусусий корхоналар, 0,9 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 37,4 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йил январь-июнь ойларида жами 2 272 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2 134 та). Уларнинг асосий қисми Фарғона шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (20,0 фоизи), Қўқон шаҳар (13,5 фоиз), Марғилон шаҳар (10,0 фоиз), Бувайда тумани (6,4 фоиз), Қува тумани (6,3 фоиз), Олтиариқ (4,7 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 31,8 фоизи саноат, 23,8 фоизи савдо ва 8,5 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 668 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 115 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 17,2 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 19 987 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-июнь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 53,9 фоизи (2016 йил январь-июнь ойларида 52,6 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 1 215,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 80,1 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 963,9 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркорлар ва 251,7 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2 118,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,7 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 112,7 фоизни ташкил қилди;

- 2 825,5 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулоти ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) бўлиб, ўсиш суръати 107,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 97,5 фоизи) ташкил қилди.

- 784,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 58,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-июнига нисбатан 128,2 фоизга ўсди;

- 1 037,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 92,8 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 114,4 фоизга ўсди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 6,4 фоизга ошиб (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 82,9 фоизи)ни ташкил этди, йўловчи айланмасининг эса 5,6 фоизга ошиб (умумий йўловчи айланмасининг 88,0 фоизи)ни ташкил этган;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 83,1 фоизи ёки 3 661,6 млрд. сўмини (ўсиш 113,0 фоиз) ташкил этди;


- 113,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 44,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 115,8 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 37,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши кўйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 825,5	71,6
Саноат	2 118,5	50,1
Қурилиш	1 037,5	36,9
Чакана савдо	1 651,8	45,1
Юк ташиш, млн.тн.	36,6	46,2
Йўловчи ташиш, млн.киши	335,4	88,2

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ташқи иқтисодий алоқалар


2017 йилнинг январь-июнь ойларида ташқи савдо айланмаси 568,7 млн. АҚШ долларини, жумладан 258,3 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 310,4 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси куйидагича ифодаланади:

(млн. АҚШ dollari)

	январь-июнь		2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 й.	2017 й.	
Ташқи савдо айланмаси	560,1	568,7	101,5
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	187,7	250,5	137,6
бошқа хориж давлатлар	372,4	318,2	83,4
Экспорт	177,8	258,3	145,3
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	77,6	138,1	178,0
бошқа хориж давлатлар	100,2	120,2	120,0
Импорт	382,3	310,4	81,2
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	110,1	112,4	102,2
бошқа хориж давлатлар	272,2	198,0	72,7

2017 йил январь-июнь ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	145,3
пахта толаси	0,0	4,5	100,0
озик-овқат маҳсулотлари	9,9	25,5	372,5
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	23,7	11,9	73,2
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	2,6	2,6	146,8
қора ва рангли металллар	0,0	0,02	213,1
машина ва ускуналар	0,4	0,1	50,1
хизматлар	7,5	1,2	23,7

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
бошқалар	55,8	54,1	140,7
Импорт таркиби	100,0	100,0	81,2
озик-овқат маҳсулотлари	3,6	5,4	121,4
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	7,5	11,1	120,0
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	16,6	15,4	75,0
қора ва рангли металллар	6,9	14,5	170,0
машина ва ускуналар	58,1	39,7	55,5
хизматлар	0,7	0,8	88,3
бошқалар	6,4	13,0	164,8

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:



	Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
Қозоғистон	14,8	137,5
Россия	20,4	59,5
Хитой	27,0	88,5
Туркия	4,9	111,8
Латвия	0,8	178,2
Корея	5,0	30,2
Украина	1,4	2,4 м
БАА	0,2	19,5
Туркменистон	0,7	170,6
Япония	0,2	2,4
Германия	1,6	24,6
Малайзия	0,1	18,2
Португалия	0,3	58,0
Сингапур	0,1	38,0
Польша	2,8	141,7
Афғанистон	0,9	45,4
Қирғизистон	5,0	186,3
Эрон	2,1	13 м
Буюк Британия	0,1	109,9

2017 йил январь-июнь ойларида МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби куйидагича ифодаланади:

Экспорт



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

2017 йил январь-июнь ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 4 633,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,0 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 1 672,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан 108,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 829,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 19,5 млрд. сўмлик ароқ-вино ва пиво маҳсулотлари, 823,3 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан мос равишда 111,2 фоиз, 108,5 ва 105,6 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойларида 23,4 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.


2017 йил январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	4 633,8	107,0
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш улардан:	292,3	123,3
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	292,3	123,3
Металл рудаларини қазиб олиш		
Қайта ишлаш саноати	4 118,2	105,9
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	847,6	108,2
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	986,9	109,4
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	53,1	136,4
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	16,4	123,1
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	654,4	96,7
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	388,9	87,2
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	6,3	123,7
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	899,6	102,3

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Металлургия саноати	0,5	127,4
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	41,1	306,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	201,8	111,2
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	21,5	110,3
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	1 672,7	108,4
шу жумладан:		
озиқ-овқат товарлари	849,5	111,1
ноозиқ-овқат товарлари	823,2	105,6

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қўйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти
турларини ишлаб чиқариш**

(йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоизда
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш			
Қўнғир кўмир (лигнит)	минг.тн	-	-
Чақик тош (шебень)	минг.тн	-	-
Ишлаб чиқарадиган саноат			
Темирдан ёки легирланмаган пўлатдан болғаланган, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган, кейин бошқа ишлов берилмаган бошқа чивиклар ва стерженлар, жумладан прокаткадан кейин калаваларга ўралган чивиклар	минг.тн	-	-
Легирланган пўлатдан шаклдор ва махсус, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган, бошқа ишлов берилмаган профиллар	тн	-	-
Минерал ўғитлар:			
Мочевина (карбамид)	минг. тн.	61,4	65,1
Сульфат аммония	минг. тн.	-	-
Аммоний нитрат (аммонийли селитра)	минг. тн.	57,07	64,0
Суперфосфатлар	минг.тн P2O5	7,1	98,4
Таркибида иккита таъминловчи элемент - азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар	минг тн	18,5	275,3
Кучланиши 1 кВ дан ортиқ бўлган (юқори вольтли), бошқа электр токи ўтказгичлари	тн	-	-
Портландцемент	минг.тн	491,9	93,6
Цемент клинкерлари	минг.тн	422,0	96,3
Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	тн	8870	114,4
Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти	минг.л	13 641	100,1

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнь хोलатига нисбатан фоизда
Арок	минг.л 100% спирт	758	100,0
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг. л 100% спирт	966,0	99,0
Узум виноси	минг. л	15,0	-
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ташқари)	минг. л	-	-
Шакар	тн	-	-
Йирик шохли қорамол, чўчка, қўй, эчки, отсимонлар оиласига кирувчи хайвонлар гўшти, янги сўйилган ёки совитилган	тн	-	-
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг.тн	75,8	106,1
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	тн	4 183,3	116,4
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	1 448,41	74,9
Ишлов берилган суюқ сут	тн	-	-
Пишлоқлар ва творог	тн	-	-
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	тн	8 576	88,0
Маргарин ва спредлар (пастасимон маҳсулот)	тн	-	-
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	тн	46 771,6	108,7
Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	тн	540,0	116,5
Иш кийими	минг дона	872,5	132,6
Пахта толаси	минг тн	34,8	88,5
Пахта чигити	минг тн	6,5	85,3
Пахта тивити (линт)	тн	2 360	81,1
Шишадан бутилкалар, банкалар, флаконлар ва бошқа идишлар (ампуладан ташқари); шишадан тиқин, қопқоқ ва бошқа тиқинлаш воситалари	млн.дона	88,7	98,5


	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоизда
Китоблар, география хариталар, гидрографик ёки шу каби карталарнинг барча турлари, репродукциялар, чизмалар ва фотосуратлар, открыткаларни босиб чиқариш бўйича хизматлар	млн. сўм	-	-
Газеталарни босиб чиқариш бўйича хизматлар	млн. сўм	-	-
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	млн.кВт/с	-	-
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	447,0	106,0
Кўмирни ер остида газга айлантириш натijasида ҳосил бўлган газ (нефт газлари ва бошқа газсимон углеводородли газлардан ташқари)	минг куб.м	-	-

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2 897,6 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,3 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 2 112,5 млрд. сўмни (106,5 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 732,5 млрд. сўмни (105,7 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 43,7 млрд. сўмни (106,3 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 5,3 млрд. сўмни (116,5 фоиз), овчилик хўжалигида 0,09 млрд. сўмни (94,4 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 3,5 млрд. сўмни (100,5 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда дон жами 747 042 тонна (97,5 фоизга), шу жумладан бошоқли дон 733 480 тонна (97,1 фоизга), картошка 181 743 тонна (107,3 фоизга), сабзавот 388 068 тонна (110,2 фоизга), полиз 6 423 тонна (106,3 фоизга), мева 213 549 тонна (108,9 фоизга), узум 1 267 тонна (111,1 фоизга) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 102,0 фоизга (жами 1 009,1 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,4 фоизга (361,0 минг бош), қўй ва эчкилар 100,7 фоизга (834,3 минг бош), отлар 101,4 фоизга (жами 8 865 бош), паррандалар 124,3 фоизга (5 726,1 минг бош) га кўпайди.

Барча хуудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,2 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 86,5 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони куйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	1 009,1	102,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	43,8	101,2
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	955,3	102,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	10,0	101,0
улардан сигирлар	361,0	100,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	15,7	110,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	342,5	100,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,8	103,7
Куй ва эчкилар	834,3	100,7
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	43,2	106,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	785,7	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,4	180,0
Отлар	8 865	101,4
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1 112	109,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	7 652	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	101	120,2
Паррандалар	5 726,1	124,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	551,4	108,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3 921,1	109,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 253,6	242,2

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,7 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,3 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,9 ва 4,4 фоизни, қўй ва эчкилар 94,2 ва 5,2 фоизни, отлар 86,2 ва 12,6 фоизни, паррандалар 68,5 ва 9,6 фоизни ташкил этди.


2017 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 72,4 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-июнь ҳолатига нисбатан 6,7 фоизга кўп), 404,1 минг тонна сут (6,5 фоизга кўп), 240,9 млн. дона тухум (12,6 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	72,4	106,7
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	2,7	106,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	67,0	106,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,7	111,1
Сут, минг тн.	404,1	106,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	11,7	107,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	389,2	106,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,2	119,8
Тухум, млн. дона	240,9	112,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	22,5	115,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	185,8	112,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	32,6	110,4

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби куйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-июнь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 781,5 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 103,6 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 27,0 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжалиklarида 43,8 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 15,7 минг бош сигир, 43,2 минг бош қўй ва эчкилар, 1112 бош от, 551,4 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-июнь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-июнь				2016 январь- июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил		2017 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Дон жами	658 675	86,0	661 920	88,6	100,5
Шу жумладан бошоқли дон	656 989	87,0	659 903	90,0	100,4
Картошка	32 844	19,4	32 885	18,1	100,1
Сабзавот	25 308	7,2	28 015	7,2	110,7
Полиз	3 424	56,6	3 569	55,6	104,2
Мева	116 214	59,3	125 899	59,0	108,3
Узум	30	2,6	34	2,7	113,3
Гўшт, тирик вазнда	2 554	3,8	2 726	3,8	106,7
Сут	10 911	2,9	11 674	2,9	107,0
Тухум, минг дона	19 459	9,1	22 544	9,4	115,9
Жун	49	6,0	52	6,2	106,1
Асал	37	5,9	38	5,2	102,7
Пилла	2 584	95,2	794	94,2	30,7

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1 344,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 100,2 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	Млрд.сўм	Ўсиш суръати, %	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1 344,4	100,2	100,0
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар:	116,7	38,6	8,7
бюджет маблағлари	81,6	65,0	6,1
давлат мақсадли фонд маблағлари	-	-	-
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
бюджетдан ташқари фондлар	29,9	30,3	2,2
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	5,2	39,3	0,4
Марказлашмаган инвестициялар:	1 227,7	118,3	91,3
корхоналарнинг ўз маблағлари	435,5	160,8	32,4
аҳоли маблағлари	447,6	125,9	33,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	116,1	56,9	8,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	228,5	110,7	17,0


2017 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	Жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	1344,4	151,0	1193,4
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	55,8	55,9	55,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	40,0	41,2	39,9
Бошқа ҳаражатлар	4,2	2,9	4,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 1,9 фоизли пунктга ҳамда бошқа харажатларнинг улуши 2,6 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши эса 4,6 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-июнь ойларида умумий майдони 607,2 минг кв.м. бўлган 4387 та (2016 йил январь-июнь ойларига нисбатан 119,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 467,0 минг кв.м. (122,3 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 633,3 млрд. сўми ёки 47,1 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, қуриш, қайта таъмирлаш шунингдек, соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 73,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 11,6 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 4,9 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 152,5 км. узунликдаги ичимлик суви, 16,5 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан мос равишда 124,0 ва 72,7 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 7 289,4 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 478,3 млн.сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-июнь ойларида 1 117,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 111,4 фоизни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,1 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 8,4 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 11,5 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 78,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1 093,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,9 фоизни (2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 119,8 фоизни) ташкил қилди.


Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2016 й.
январь-июнь



2017 й.
январь-июнь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Транспорт

Юк ташиш. 2017 йил январь-июнь ойларида барча транспорт турлари томонидан 47,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,9 фоизга кўп. Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1 751,9 млн.тн. км.ни ташкил қилди ва 7,0 фоизга кўпайган.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	47,9	104,9
шу жумладан:		
автомобил транспортида	44,7	106,5
Юк айланмаси, млн. тн-км	1 751,9	117,0
шу жумладан:		
автомобил транспортида	1 244,5	99,0

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан 104,2 фоизга ошди ва 963,6 млн. тн. км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 55,0 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнь ойларида 51,5 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-июнь ойларида барча транспорт турлари томонидан 356,1 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,7 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 5,7 фоизга кўпайиб 4 815,9 млн. йўловчи км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	356,1	103,7
шу жумладан, автомобил транспортида	355,0	103,6
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи км.	4 815,9	105,7
шу жумладан, автомобил транспортида	4 704,6	104,0

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан 104,5 фоизга ошди ва 3 876,1 млн. йўловчи км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 80,5 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнь ойларида 81,4 фоиз).

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-июнь ойларида чакана товар айланмаси 4 408,8 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,6 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	4 408,8	112,6	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	-	-	-
нодавлат мулки	4 408,8	112,6	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	1 997,2	117,8	45,3

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-июнь ойларида 341,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121,9 фоизни ташкил этган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдодаги ҳажми жорий йилнинг январь-июнь ойларида 2 687,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,4 фоизга ошган.

2017 йил январь-июнь ойларида чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	4 408,8	112,6	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	341,9	121,9	8,5
Кичик корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлик	3 661,6	113,0	82,2

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
уюлмаган сектор (ташқил этилмаган савдо фаолияти)	405,3	102,1	9,3

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 91,4 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан 110,3 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 1 259,0 минг сўмни ташқил этди (2016 йил январь-июнь ойларида 1019,0 минг сўмни ташқил этган).

2017 йил январь-июнь ойларида **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 3 006,5 млрд. сўмни ташқил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 839,1 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 27,9 фоизини ташқил қилди. 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан ўсиш 111,2 фоизни ташқил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-июнь ойларида қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	3 006,5	111,2	100,0
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	250,1	110,5	8,3
Молиявий хизматлар	302,7	133,3	10,1
Транспорт хизмати	502,3	107,7	16,7
шу жумладан автотранспорт хизматлари	464,6	105,7	15,5

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	103,2	114,8	3,4
Савдо хизматлари	1 052,8	109,4	35,0
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	110,0	108,9	3,7
Таълим соҳасидаги хизматлар	133,8	105,3	4,4
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	73,4	116,2	2,4
Ижара ва прокат хизматлари	100,7	107,0	3,3
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	117,2	108,0	3,9
Бошқа шахсий хизматлар	162,8	108,2	5,4
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	17,7	108,1	0,6
Бошқа турдаги хизматлар	79,8	108,5	2,7

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,0 фоизи), транспорт (16,7 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, Яшаш ва овқатланиш хизматлари (114,8 фоиз), Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (110,5 фоиз), Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (116,2 фоиз), Савдо хизмати (109,4 фоиз) ўсиш суръатлари юқори бўлди.

2017 йилнинг январь-июнь ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3 587,4 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 57,3 минг кишига ёки 1,6 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ўсиши 13,5 минг кишини ташкил этди.

2017 йил январь-июнь ойларида миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, - 0,8 минг кишини ташкил қилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнь ойларида қуйидагича ифодаланади:

	минг киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш (-)	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	34,0	32,9	-1,1	19,4	18,5
Ўлганлар	8,2	8,9	0,7	4,7	5,0
шу жумладан бир ёшгача болалар туғилган болаларга нисбатан	0,3	0,3	-0,1	7,5	6,9
Табиий ўсиш	25,8	24,0	-1,8	14,7	13,5
Никоҳлар	8,9	9,7	0,8	5,1	5,5
Ажралишлар	1,7	1,7	0	1,0	1,0

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-июнь ойларида туғилганлар сони 32,9 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (34,0 минг киши) нисбатан 1 159 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 18,5 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (19,4 промилле) нисбатан - 0,9 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Қўқон, Қувасой шаҳрида (18,0 дан 17,0 промиллега), Фарғона шаҳрида (17,0 дан 16,0 промиллега), Данғара, Қўштепа (21,0 дан 20,0 промиллега), Ёзёвон, Фурқат, Ўзбекистон (19,0 дан 18,0 промиллега), Сўх (17,0 дан 16,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-июнь ойларида ўлганлар сони 8,9 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (8,2 минг киши) нисбатан 666 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,7 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-июнь ойларида 5,0 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Фарғона (7,0 дан 6,0 промиллега) шаҳрида, Данғара, Фурқат, Қўштепа, Ўзбекистон, Тошлок (6,0 дан 5,0 промиллега), Учкўприк, Олтиариқ, Бешариқ, Қува, Фарғона, Боғдод, Риштон ва Бувайда (5,0 дан 4,0 промиллега), Ёзёвон, Сўх (4,0 дан 3,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 65,0 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,0 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,9 фоизи - овқат ҳазм қилиш

¹⁾ дастлабки маълумот

органлари касалликларидан, 3,4 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 6,0 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан вафот этган,

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида бир ёшга тўлмаган 268 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 7,8 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-июнь ойларида 7,0 промилле).


Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 39,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 21,0 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 26,1 фоизи – туғма аномалиялардан ва 7,8 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-июнь ойларида ФХДЁ органларида 9,7 минг та никоҳлар ва 1 718 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,5 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 5,1 та) ва 1,0 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 1,0 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 6 754 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 8 069 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1 315 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 935 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиқлар Фарғона тумани (минус 389), Қўқон шаҳрида (минус 207), Марғилон шаҳрида (минус 101), Данғара (минус 131) туманида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнь ойларида қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-июнь ойларига нисбатан 100,7 фоизни, 2 028,1 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 56,5 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-июнь ойларида бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 13 322 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Қўқон (1 260 кишига), Фарғона (1 115 кишига), Марғилон (949 кишига) шаҳарларида, Бағдод (791 кишига), Риштон (763 кишига) ва Учкўприк (657 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 12 087 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич Қўқон (1 210 киши), Фарғона (1 067 кишига) шаҳарларида, Олтиариқ (873 киши), Бағдод (705 киши), Риштон (698 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 737 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)

